



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 11-sentabr. Payshanba • 110 (31.857) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqarilgan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



РАВОН ЙЎЛЛАР — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Қачон одамзод ўзини янада кучли, қудратли сезади? Қачон киши бунёдкорлик ишларига қўл уради? Қачонки, оиласида тотувлик, ишида рағбат, юртида тинчлиги осойишталик барқарор бўлса. Қачонки амалга ошириладиган ислохотлар турмушининг фаровон бўлишига, ҳаётининг юксалишига хизмат қилса...

ЎЗХДП: ҳисобот-сайлов конференциялари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят ташкилотининг V конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариш ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда шу йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда партия ташкилотларининг вазифалари муҳофизат этилди.

Фаолиятимизга холис баҳо бериб, уни янги босқичга кўтаришимиз керак

Ҳисобот конференциясига узоқ ҳозирлик кўрилди. Ҳисобот давридаги ишлар яқини умумлаштирилди, рақамлар қиёсан солиштирилди, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятига алоҳида танқидий кўз билан қаралди.

... Конференцияга тайёргарлик жараёнида партия Хазорасп туман кенгашида бўлди. Партия туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳи раҳбари **Боғибек Қосимов**нинг эътирофи:

«Беш йил оз муддат эмас. Аммо, шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ўтган фурсатда ижро ҳокимиятини мўтадил ишлашга мажбур қиладиган таъсирчан восита сифатида депутатлик сўровларининг бирортаси жавобсиз қолмади, яъни бу амалиёт фаолиятимизда яхши натижа берди. Бу билан электоратимизни қийнаётган қатор муаммоларга ечим топишга муваффақ бўлдик.

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофизат этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги қонундан

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ижтимоий шериклик —

кучли фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Маълумки, Олий Мажлис Сенати жорий йил 28-29 август кунлари бўлиб ўтган XV ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси қабул қилган бир нечта қонунни маъқуллади. Шулардан бири Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонундир.

Мазкур қонуннинг лойиҳаси парламент қўйи палатасида кенг муҳофизат қилинганда депутатлар, мутахассислар, шунингдек, мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида ўтказилган жамоатчилик муҳофизатларида аҳоли ва-

киллари томонидан қонуннинг аҳамияти ва зарурати ҳақида кўплаб ижобий фикрлар, хилма-хил таклифлар билдирилган эди.

▶ Давоми 2-бетда.

Соғлом бола соғлом оилада камол топади

ЎЗХДП Андижон вилоят кенгаши «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси минтақавий бўлими билан ҳамкорликда Пахтаобод туманида «Соғлом бола соғлом оилада камол топади» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган байрам тадбирида «Учқўза», «Файзобод», «Тўраобод», «Ёлғизбоғ» маҳаллаларида яшовчи аҳоли вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатидан сўнг 150 дан зиёд оила болалари шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Мустақиллик йилларида фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилди, — дейди **уч эгизак — Фотима, Зухра ва Ҳасанбойларнинг онаси Иноятнон Қаримова**. — Биз аввало ўз оиламизда соғлом муҳит яратишимиз, фарзандларимиз саломатлиги учун ҳаммиса қайғуришимиз лозим.

Тиббий кўриқдан сўнг кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топширилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



МУНОСАБАТ

Илғор демократик қоидалар

изчил тараққиёт кафолатига айланмоқда

Президентимизнинг мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар одамлар ўртасидаги ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтирди. Ҳар биримизни бугунги демократик жараёнлар ҳақида чуқур ўйлаб, бу ишларга муносиб ҳисса қўшишга даъват этмоқда.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.



«Бугун истиқлолимизнинг йигирма уч йиллик тўйини ўтказар эканмиз, биз танлаган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, дунёдаги тараққий топан мамлакатлар қаторига кириш йўлида амалга оширган ишларимизни баҳолаётган эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан: юртимизда яшаётган ҳар қайси ёш қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлиши Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир».

Айниқса, мана шу сўзлар бутун халқимиз қалбидан чуқур жой олди, ҳаммамизни гуруҳлаштирди, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда беқийёс ишлар амалга оширилди, кучли фуқаролик жамияти куриш бўйича муҳим демократик ҳуқуқий асослар яратилди.

Мисол учун, охириги бир йил давомида Президентимиз ташаббуси асосида парламент томонидан демократик ислохотларни ҳаётимизга янада чуқур татбиқ қилишга қаратилган бир неча муҳим қонунлар қабул қилинди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун, яқинда Олий Мажлис Сенати маъқуллаган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун шулар жумласидандир.

Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Қонунни алоҳида таъкидлаш керак, деб ўйлайман. Чунки мазкур Қонун қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси босқичма-босқич амалга оширишда долзарб аҳамиятга эга бўлди. Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

Бу ўзгариш ва янгиланишлар юртимиз ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиши, Ватанимиз мустақиллиги янада мустаҳкамланиши ва юксак тараққиётга эришишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Албатта, бу жараёнда ислохотлар қай даражада самара бериши кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаолиятига боғлиқ. Айтиш мумкинки, партияимиз яратилган қонуний имконият ҳамда ваколатлардан электорат манфаати йўлида самарали фойдаланиш, демократик тартиб-қоидаларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиб бориш масалаларига эътиборни кучайтирди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари 2012 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 92 масалани ўз йиғилишларида кўриб чиқиб, шундан 73 масала доимий комиссияларга, 66 масала сессиялар муҳофизатига олиб чиқилган бўлса, бу кўрсаткичлар 2013 йилда бир мунча ўсди. Хусусан, 2013 йилда 233 масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида кўриб чиқилиб, уларнинг 136 таси бўйича тегишли доимий комиссиялар, 120 таси бўйича эса сессияларнинг қарорлари қабул қилинишига эришилган.

Жорий йил якунларига кўра, мазкур рақамлар янада ортшичи қилинган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз хар йили мунтазам равишда парламент эшитувлари ўтказишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бу йил ҳам бандлик Дастури ижросини бўйича парламент эшитиш ташкил қилиш режалаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси, ўйлаётганимизки, вакилик ҳокимиятининг, яъни халқимиз ишонч билдирган депутатларнинг фаолияти кучайганидан, улар олдида ижро ҳокимияти идоралари масъулияти ортаётганидан, шунингдек, ҳаётимизга илғор демократик қоидалар кириб келаётганидан далолатдир.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Жаҳон чемпиони

илк бор Тошкентда ўтказилмоқда



www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗХДП ҲАЁТИДАН

Сиёсий партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини халққа етказиш, уни кенг тарғиб қилиш, хайрхоҳларини кўпайтириш, электорат манфаати билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни ҳал этиш бўйича биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатиш бошланғич партия ташкилотининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ғузор туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ўз иштини ана шу талаб ва мезонлар асосида олиб бормоқда.

— Ҳозирда 118 нафар партия аъзосининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди

Бошланғич ташкилот партиянинг эртанги кунини белгилаб беради

бошланғич ташкилот етакчиси **Ҳошим Каримов**. — Бошланғич ташкилотимизда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этиб борилмоқда.

Ўтган йили бошланғич ташкилот аъзоси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Элбек Омонов таклифига кўра, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида молия бўлими раҳбари Алишер Оймуродовнинг халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда тиббиёт бирлашмаси томонидан бюджет

маблағлари ижро этилишининг аҳоли тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Шунингдек, бошланғич ташкилот фаоли бўлган кўплаб йигит-қизлар «Еш сиёсатчи» кўрик-танловида муносиб қатнашиб келишпти.

— Ҳозирги ёшлар ўз мақсади йўлида интилувчан, фаол ва ташаббускордир, — дейди **ЎЗХДП фаоли, Ғузур курилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси Шерзод Жумаев**. — Бошланғич ташкилотимиз томонидан ёшлардан иборат «Кўмак» гуруҳи ташкил этилган. Мазкур гуруҳ аъзолари маҳал-

ладаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатяпти, маҳалламизни ободонлаштириш ишларида қатнашяпти.

Умуман олганда, бошланғич ташкилот партиянинг эртанги кунини белгилаб беради. Шундай экан, партияимиз тизимида уларнинг фаолиятига эътиборни янада кучайтириш, илғор тажрибаларни оммалаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Абдураззоқ МУРОДОВ, ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудир.

ЎЗХДП тизимидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизмига айланди.

Шу мавзуга бағишланган мақола билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.



ҚОНУН ВА ШАРҚ

Ижтимоий шериклик — кучли фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Шу ўринда айтиш керак, дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Демак, мазкур қонун Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган демократик ислохотларни янги поғонага кўтаришда ҳаётий аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги қонун, унинг худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юксалишидаги ўрни ва аҳамияти хусусида ЎзХДП аъзоси бўлган сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Фармон ТОШЕВ, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Аввало, Президентимиз Ислам Каримов илгари сурган Концепция голяри асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинаётган қонунларнинг умумий характери ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Агар эътибор берсак, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида қонунлар мамлакатда демократик муносабатларни шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги тўғрисида сўз юритган.

Бевосита Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунга келсак, унинг мақсад-моҳияти партияимиз голярига мос келишини

Давоми. Бошланчи 1-бета.



кўрамир. Мисол учун, қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, бу борада аниқ механизм асосида ишни ташкил қилиш назарда тутилган.

Хўш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти давлат томонидан кўллаб-қувватланиши ЎзХДП голярига, ижтимоий ҳимоя тамойилига қай даражада мос келади?

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлари турли йўналишларда фаолият юритади. Яъни, улар жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларини яхши билади, ижтимоий масалалар самарали ҳал этилиши учун ҳаракат қилади. Уларнинг фаолияти ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши нодавлат нотижорат ташкилотлар янада кўпайтишига, худудлардаги ижтимоий муаммоларга ечим топиш имкониятлари кенгайишига қулай шароит яратяди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларга уюшган фуқаролар жамият ҳаётида ўз фикри, қарашлари, хоҳиш-иродаси билан янада фаол иштирок эта ботилиши. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ННТ сони кўпайиб бораётгани, улар эришаётган ютуқ ва нати-

жалар таҳлили ҳам бунни исботлайди.

Қонунда ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар акс этган. Хусусан, унда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари, комиссиялардаги иштироки тартиблари, биргаликда ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш қоидалари белгилаб берилган.

Мен буларни қонуннинг энг муҳим хусусиятларидан бири, деб ҳисоблайман. Чунки худудий дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги, ўзаро манфаатлар мувозанати таъминланиши ўта ҳаётий, долзарб масаладир.

Раҳима ҚҮРҒОНОВА, Бувайда педагогика коллежи директори, халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Биласиз, дастурлар маълум худуддаги муаммога ечим топиши, одамларнинг оғирини енгил қилиши назарда тутяди. Уларда белгиланган

ишлар аксарият ҳолларда давлат бюджетидан молиялаштирилади. Шундай экан, унинг тузилиши, қандай вазифалар бирламчи этиб белгиланиши, дастур ижроси каби масалалар фуқаролик жамияти институтлари учун очик бўлиши керак.

Қонунга кўра, ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлиги, деб белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари турли соҳалар ҳамда тармоқларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида хилма-хил дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга оширади. Бундай дастурларда қайси йўналишларда қандай ишларни бажариш, табиийки, уларнинг ўзлари томонидан белгиланади. Лекин давлат органлари жамият ахтиёжи, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ҳар доим ҳам тўлиқ қамраб ололмастлиги мумкин.

Худудларда қайси муаммо долзарб, мабғал ва эътиборни кўпроқ қайси масалаларга қаратган маъқул, қандай йўл тутилса, дастурлар янада кўпроқ самара беради? Фуқаролик жамияти институтлари шу каби саволларга энг мақбул жавобни топишда муҳим ўрин тутяди. Бовси, улар одамларга давлат идораларидан кўра яқинроқ туради, ҳаётни, фуқаролар хоҳиш-иродасини яхши билади.

Демак, ижтимоий шериклик жамиятни ич-ичидан чуқур ўрганишда, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, самарали амалга оширишда, бу борада жамоатчилик назорати кучайишида долзарб аҳамиятга эга.

Халқимиз азиздан жамоат ишлари, кўпнинг манфаати билан боғлиқ масалаларни кенгайиб, таклиф-мулоҳазалар асосида ҳал қилиб келган. Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустақамланиши асрлар давомида шаклланган ана шу эзгу қадрият замонавий меъёрлар билан янада бойиши, ривожланишига шароит ярати беради.

Тўлқин ТҮРАХОНОВ

ЎзХДПга «Ёш сиёсатчи — 2014»

«Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танлови низоҳосига етди. Хўш, танлов иштирокчиларда қандай таассурот қолдирди, бу йилги танловнинг ўтган йилгисидан фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлди? Бу ҳақида танлов қатнашчилари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, иштирокчиларнинг ота-оналари, танловнинг ўтган йилги голиблари ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдиришди.

«Биз беллашдик, дўстлашдик, бирлашдик ва партияимиз сафида янада катта кучга айландик!»

Ақмал УМАРАЛИЕВ, Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:



— Танлов юқори савияда ташкил этилди. Ёшларнинг шижоати, дунёқароши, ўз мустақил фикрига эга экани уларнинг ҳар бир шарт бўйича чиқишида яққол намоён бўлиб турди. Олдинги йилларда ҳам танловда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этганман. Лекин бу йилги тан-

лов ўзгача руҳда ўтди, десам адашмайман. Иштирокчилар партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари ташкил этилишига хизмат қилганидан кўплаб лойиҳаларни тақдим этишди. Мен истардимки, ана шу лойиҳалар қоғозда қолиб кетмас. Партия ташкилотлари, депутатлар уларни амалга ошириш учун ёшларга кўмаклашса, ижтимоий аҳамиятга молик бундай лойиҳалар ўз кутилган натижасини албатта беради.

Гулжаҳан СЕЙТНАЗАРОВА, «Энг билимдон иштирокчи» номинацияси голиби, Қорақалпоғистон Республикаси:



— Танловнинг лойиҳа тақдими шартлида ипак матолар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси билан қатнашдим. Биланмизки, табиий ипакдан тўқилган матолар гигиеник хусусиятлари, экологик тозаллиги, чиройли ташки куриниши билан хариддориги ҳисобланади. Энг муҳими, мамлакатимизнинг чекка-чекка худудлари, олис туманларда ипакни қайта ишлашни кенгайтириш, аввало, кўплаб янги иш ўринлари вужудга келишига, худудлар иқтисодиёти ривожланишига, хомашё етказиб берувчиларнинг манфаатдорлиги янада ортишига хизмат қилади.

Шу ўринда бир таклиф: танловнинг лойиҳа тақдими шартли учун 5 дақиқадан кўпроқ вақт ажратилса. Чунки иштирокчилар лойиҳанинг мазмун-моҳияти, мақсади, амалга ошириш тартиби, ундан кутиладиган натижани бу вақт давомида тингловчиларга етказиб бериши аниқ қийин бўлди. Натяжада аксарият иштирокчилар берилган вақтдан чиқиб кетди.



Бибижон РАМАЗОНОВА, III ўрин соҳиби Нуршод Рамазононинг онаси:

— Ота-она учун энг катта бахт — фарзандларининг қамолтини кўришидир. Бугун ана шу бахтни ҳис қилиб турибман. Ўғлимнинг

ютуғидан кўнглим тоғдек кўтарилди. III ўрин соҳибини эълон қилишда кўзимдан ёш чиқиб кетди. Нуршод болалигидан жамоат ишларида фаол қатнашди. Мактаб, коллежда ҳам турли мусобақаларда иштирок этган. Партия томонидан ташкил этилган бу тадбир эса унинг сиёсий жараёнда ҳам фаол иштирок этиши учун катта имконият берди.

Мадинабону АБДУСАЛОМОВА, Ширин Энергетика ва машиш хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти:



— Ўтган йили «Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, иккинчи ўрин соҳиби бўлганман. Танловга бўлган қизиқишим туфайли бу йил томошабин сифатида келдим. Иштирокчиларнинг чиқишларини, шартларни маҳорат билан бажаришини кузатиб шунга амин бўлдимки, танлов шартлари йилдан-йилга такомиллашиб борапти. Шунинг билан алоҳида таъкидлаш керакки, шу вақтга қадар танлов уч босқичда (туман-шаҳар, вилоят, рес-

публика) ўтказиб келинган эди. Жорий йилдан бошлаб эса у тўрт босқичда, бошлангич партия ташкилотларида ҳам ўтказилгани танлов нуфузини оширди, иқтидорли ва фаол ёшларни сафимизга кенг жалб қилиш имконини кенгайтирди.



Бекзод СОЛИХОВ, «Энг уддабурон иштирокчи» номинацияси голиби, Тошкент шаҳри:

— Танлов партияимиз Сайлов олди дастури ва Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни

амалга татбиқ этишда ёш фаоллар иштирокини кенгайтириш, улар ўртасида «Мен Ватаним равнақиға ҳисса қўишини хоҳлайман» эзгу гоҳисини кенг ёйиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Танловдан мақсад фақат голиб ва совриндорларни аниқлаш эмас, балки ёшларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда қизиқишини рағбатлантириш, барча худудлардаги ёш аъзолар ўртасида партияимизнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасида фикр ва тажриба алмашишдан иборат эди. Ҳақиқатан ҳам, танлов давомида бу мақсадга эришилди. Энг муҳими, биз беллашдик, дўстлашдик, бирлашдик ва партияимиз сафида янада катта кучга айландик!

«Ўзбекистон овози» мухбири Гулрух ОДАШБОВА тайёрлади.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгашларда ЎзХДП вакиллари бўлган 126 нафар депутат ҳисобот даврида 300дан ортиқ депутатлик сўрови билан чиқишган. Аммо ваколатига кирувчи шу таъсирчан воситадан самарали фойдаланмаган депутатлар ҳам йўқ эмас.

Сарҳисобларда алоҳида урғу берилган рақамларни таққосласак, ўтган даврда партия аъзолари сонининг сезиларли ўсганига гувоҳ бўламиз. Яъни, беш йилда аъзолар сони роппа-роса икки минг нафарга ошган. Янгитдан қабул қилинган аъзоларнинг аксариятини интилувчан, фаол ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилаётгани ҳам эътиборга лойик ҳолат.

Раимберган САБУРОВ, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Ҳисобот даврида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, соҳалар ривожига ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда партияимиз иштироки кучайганини кузатиш мумкин. Масалан, ўтган даврда партияимиз гуруҳлари томонидан аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида 60 дан ортиқ масала кўриб чиқилган, сессиялар кун тартибига 43 масала киритилди. Мазкур масалалар ижроси доимий назорат қилиб борилгани натижасида худудларда юзага келган кўплаб ижтимоий муаммолар ечимга ижобий томонга ўзгарган. Айниқса, бу борада Хонқа, Янгиарик, Богот туманларидаги партия гуруҳлари фа-

Давоми. Бошланчи 1-бета.

ФАОЛИЯТИМИЗГА ХОЛИС БАҲО БЕРИБ,

уни янги босқичга кўтаришимиз керак

бошқарувида улар иштирокини кучайтириш каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан ҳисобот даврида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Натяжада вақтинча ишсиз хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашилди, касаначиликка йўналтиришда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Саломат ХАЙТОВА, «Агробанк» вилоят бўлимидаги ЎзХДП бошлангич ташкилоти етакчиси:

— Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 1,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Тижорат банклари битирувчилар ўз мустақил ишини ташкил этиши учун бошлангич сармояни шакллантириш мақсадида кредитлар ажратишга тайёр.

Партияимиз фаоллари, депутатлар, маҳаллалар билан яқин алоқани йўлга қўйиш, вақтинча ишсиз, аммо ишлашга иштиёқи бор хотин-қизларни фаол ижтимоий ҳаётга, ишлаб чиқаришга жалб қилиши керак.

Конференция ишида, шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти ҳам таҳлил этилди. Ёшларнинг давлат ва жамият курилишидаги фаолигини ошириш, шу орқали уларда фуқаролик позициясини шакллантириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кайд этилдики, «Истиқбол» ёшлар қаноти бугун ўз сафига олти минг нафардан ортиқ ёшни бирлаштирган. Бу катта куч, албатта. Демак, ёшлар ўртасида ўтказётган тадбирларимизни кўпайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилашимиз керак, дейиши сўзга чиққанлар.

Ғулум САПАЕВ, халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши депутати:

— Ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишда таъсирчан воситалардан фойдаланиш яхши самара бериши аниқ. Аммо биз кўпроқ марказларда фаол ишляямиз, чекка худудларда бу борада оқсоқлик кузатилмоқда. Партиянинг «Истиқ-

бол» ёшлар қаноти ҳар бир ёшни ўзига жалб қилиши, қалбига йўл топиши зарур. Биз, депутатлар бу борада ёшлар қанотига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсақкина, ишимиз янада самарали бўлади.

Хайрулла РҮЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кўзланган мақсадларга эришиш фаолиятимизнинг таъсирчан шакллари ваколатидан ҳар бир депутат қандай фойдаланмоқда? Партиянинг таъсирчан курали — партия гуруҳларининг амалий ишларига танқидий ёндашиб, холис баҳо беришимиз керак. Сайловлар яқин. Сайловчилар янада диққат билан ишимизни кузатаяпти. Ҳисобот даврида қайси масалада сусткашликка йўл қўйилган бўлса, уларни имкон қадар тузатиш чораларини кўриш керак.

Шунингдек, анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сайёра Абдукаримова, Богот шаҳарида фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Манглибой Қуразов ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидидаги масалалар юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Иштирокчилар партия электорати манфаатларига бевосита дахлдор бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалаларга доир партия позициясини кенг тарғиб қилиш, айниқса, сайловлар йилида бунинг аҳамияти беқўбалигини алоҳида таъкидлашди. Бўлажак сайловларга жиддий тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Конференцияда, шунингдек, ЎзХДП Сайловолди дастурига таклифлар берилди.

Конференциядан сўнг ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи пленуми ўтказилди. Унда Раимберган Сабуров вилоят партия кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Санжар ШОТУЛАГАНОВ ва ўзА олган суратлар.

га шахар ҳокимлиги томонидан 2 та икки хонали, 2 та уч хонали уй ажратилди. Бу шинам уйлари, набираларимнинг кенг ва ёруғ хоналарда яйраётганини кўриб, хурсандлигимдан кўзимга ёш келади. Ахир, ўзингиз ўйланг, барча қулайликларга эга, энг муҳими, ҳар бири алоҳида-алоҳида бўлган замонавий уйларда эмин-эркин яшаганга нима етсин?! Бундай бахтдан ким ҳам суюнмайди, дейсиз?! Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган одилона сийсат тўғрисида бугун турмушимиз яна ҳам юксалипти, ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Бунинг исботи мана мен ўзимнинг оиламисизда кўриб, шохиди бўлиб турибман. Айни пайтда юрагим қувончга

ган хонамизга кириб димоққа урилди. Энди-чи?! Ҳараси бетон тўсиқлар билан ажратилган равои йўллар барпо этилди. Светофорлар ўрнатилди. Йўл ёқасидаги гулзору ободончилик, қулай коммуникация тизимини айтмайсизми? Биласизми, маҳаллалар кўксига шабада тегадиган бўлиб қолди, ҳаво ҳам тоза, атроф кўкаламзорлаштирилган. Ҳозирда атрафни янада ободонлаштириш ишлари давом этаёпти. Бу ишнинг бошида турганларни ҳаммаимиз дуо қиляпмиз. Янги йўлдан ҳамроҳим, фотомухбиримиз Санжарбек Ҳозирда атрафни янада ободонлаштириш ишлари давом этаёпти. Бу ишнинг бошида турганларни ҳаммаимиз дуо қиляпмиз.

бўлган мулоқотда бу йўл қурилиши, умуман, Эски шахарда яшашнинг аҳолининг муносиб ижтимоий-маданий ҳаёти ва келгусида турмуш даражасининг юксалиши билан боғлиқ масалалар «етти ўлчаб, бир кесиш»дек обдон ўйлаб, амалга оширилаётган ишлар эканини алоҳида таъкидлади. Хали булар катта янгиланишларнинг дебосиси экан... Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимиз юксак кадриятлари, турмуш-тарзидаги муҳим ва ўзига хос жиҳатлар ўта назорат ва ҳўшёрлик билан инобатга олинган миллий шахарсозлик мактаби вуҷудга келди. Қурилиш индустрияси барпо этилди. Унга мос равишда қурилиш бозори шакллантирилди. Айнан узоқни ўйлаб амалга



Эбола безгагига қарши

дори воситаси таклиф қилинмоқда

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган ва Африка мамлакатларида кенг тарқалган Эбола безгагига қарши дори воситаси яратилгани ва бунга зарурат сезилаётган ўлкаларга ёрдам беришга тайёр эканлиги ҳақида Япония сакмўрияти Жаҳон соғлиқни маълумоти ташкилотини хабардор қилди.



Фавипиравир деб номланган мазкур дори воситаси жорий йилнинг мартида Япония Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан иккинчи баҳоланган. Япон мутахассисларининг айтишларича, у асосан грипп вирусига қарши мўлжалланган бўлса-да, Эбола безгагини ҳам даволашда ҳозирча ягона восита ҳисобланади. Негаки, бу восита яқинда Эбола безгагига чалинган кемирувчиларда синаб кўрилди ва натижа самарали бўлди.

«Мир новостей» ҳафталиги хабар беришича, айни пайтда Японияда мазкур дори воситасининг 20 миң дозаси мавжуд.

Фавипиравир инфекцияга чалинган ҳужайра ичидаги вирус гени кўпайишига тўсқинлик қиладиган тиббий воситадир. Тўғри, бундай дори воситаси Америкада ҳам мавжуд, бироқ у организмда касалликка қарши иммунитетни кучайтиради ҳолос. Бундан ташқари, ҳали зарур тест синовларидан ўтказилмаган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Эбола безгагига чалинганлар сони 3 миңга яқинлашиб қолди. Ҳаётдан қўз юмганлар эса 1,5 миңг қишидан ошиб бормоқда.


Эпидемия ўчоғи бўлмиш Африка мамлакатларида дунё ҳамжамияти томонидан тиббий ёрдам бериш даражаси пастигича қолмоқда. Бу эса эпидемия хавфи ошишига сабаб бўлмоқда.

Меҳнат таътили

безгизга берилмайди

Барча мамлакатларда йилда бир марта меҳнат таътили бериш қонуний аъна ҳисобланади. Бу бежиз эмаслигини бугунги кун олимлари қузатув-тадқиқот ўтказиб, таҳлил қилиб, аниқ бир ҳулосага келдилар.

Канададаги Макгилла университетининг «The New York Times» газетасида чоп этилган мақолада қайд этилишича, кейинги пайтларда айрим хусусий тадбиркорлар



вақтини қизганиб, меҳнат таътиллари ўзларини маҳрум қиладилар. Бу яхшиликка хизмат қилмаслигини улар унутмаслиги лозим. Негаки, одамлар ҳар кунни глобализация аҳборот асрининг турли хабарларини эшитиш ва турли вазиятларга дуқ келади. Бу эса кунлар «стресс» ҳолатларисиз кечмаслигини англатади.

Таътил вақтида табиат қўйнида, ҳеч нарсаи ўйламай дам олиш эса организмдаги бу «чўк»ларни енгилаштириб, миғни оғир ўй-хаёплар исканжасидан ҳалос этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, вақти-вақти билан табиат қўйнида дам олиш ёки ёқимли музика тинглаш кўлаб ораулар оғушида хаёл суриш бахтини тортик қилади. Орауларга берилиш эса миғна куч бағишлайди ва янги-янги марралар сари интилиш инстинктини кучайтиради.

Ҳатто иш пайтида юзага келган чарқоқ маҳали 5-10 дақиқа мизгиб олиш ҳам миғна куч бағишлайди. Бу эса муаммолли масалаларга ечим топиш юзасидан қарорлар қабул қилишни енгилаштиради.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Равон йўллар — халқимиз фаровонлиги, бунёдкорлик қудрати тимсоли

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ. ХУСУСАН ОЛМАЗОР ТУМАНИНИНГ БЕРУНИЙ КўЧАСИДАН БОШЛАНИБ, ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ХУРШИД КўЧАСИГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТГАН, ЙўЛНИ ҲАМ КўЗДАН КЕЧИРДИ.

Айтиш керакки, мазкур қурилиш лойиҳаси ўта қисқа муддат — шу йилнинг апрель ойидан бошланиб, Истиқлол байрами арафасида қуриб битказилди. Шу ўринда қисқача маълумот:

Тошкент шахар ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинеринг компанияси буюртмачи бўлган мазкур лойиҳада «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг «Автомагистрал» иштирослаштирилган автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси бош пудратчи сифатида иш олиб борди.

Ушбу йўлга тунги ёритиш мосламалари, йўл белгилари, чорраҳаларда светофорлар ўрнатилди. Шунингдек, 4,8 километр мософага йўлни ажратувчи темир панжара, 10,2 км.лик йўлнинг икки тарафига темир-бетон ариқлар, яна шунча мософага эни 2 метрдан иборат йўлнинг ҳар икки томонига пидедалар йўлакчаси, 10 км. пидедалар йўлга ёнидаги ҳимоя панжаралари ўрнатилди. Шуниси қувонарлики, йўл қурилиш ишларида асосан, ўзимизнинг техникалар — Са-

марқандда ишлаб чиқарилган 66 та «MAN» русумли янги ўзи ағдарчиг юк автомобили, Хоразмида ишлаб чиқарилган 5 та ХСМГ экскаватори, шунингдек, 180 дан ортиқ турли янги махсус техника туну кун ишлади.

Умуман ушбу йўл пойтахтимизнинг Эски шахар қисмида бўлган аҳолининг узогини яқин, огирини енгилик қилиш билан бирга, уларнинг кундалик ҳаётига, яшаш тарзига ҳам ўзгача руҳ, кайфият олиб кирди. Агар эътибор берилса, Эски шахарнинг узвий бўлаги бўлган бу ҳудудда ҳам йўллар тор, уйлари тартибсиз қурилган бўлиб, асосан паҳса ёки хом гиштдан иборат эди. Бунинг устига ландшафт, яъни атраф муҳитини кўкаламзорлаштириш, унга мос равишда ижтимоий инфратузилмани яратишга умуман эътибор қаратилмаган эди. Уй-ҳовлилар билан, ёнма-ён бир қаторда, ҳеч бир санитария-гиғиена талабларига жавоб бермайдиган, аралаш-қарамасдан, турли йўналишлардаги кичик-кичик ишлаб чиқариш цехлари ҳам қурилган эди. Бундай шароитда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш, аҳоли хордиқ чиқ-

риши учун шароит яратишининг сира иложи йўқ эди. Президентимиз яқинда мазкур йўл қурилиши билан танишар экан, шу ҳудуддаги маҳаллалар оқсоқоллари, фалоллари, жонқурлари билан дилдан суҳбатлашди. Шунингдек, Эски шахар аҳолисининг хордиқ чиқаришини мазмунли ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга қўшимча курсатмалар берди.

Йўл қурилиши муносабати билан уйлари бузилган оила-ларга ўзлари истаган ҳудуддан барча қулайликларга эга уй-жойлар берилди, уларнинг хоҳишига қараб, айримлари-га ер-участкалар ҳам ажратилди. — Одатда яшаб келаётган қилиш билан бирга, уларнинг кундалик ҳаётига, яшаш тарзи-га қараймиш, ўзини **Матлуба Раҳимова** деб таништирган аёлни.

— Мен 1994 йилдан буён Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида фаррош бўлиб ишлайман. — дейди, у. — Баҳор кўчасидаги бор-йўғи 3 сотих бўлган 58-йўлда, тўртта алоҳида рўзгор — қайимнинг оиласи, икки фарзандимнинг оиласи ва биз турмуш ўртоғим билан жами — 11 жон сиқилиб яшаб келаётган эдик. Умр йўлдошим билан анчадан бери икки ёш оилани алоҳида қилиб кўп қаватли уйга чиқариб юборишни ўйлаб юрардик. Лекин бунга қўлимиз бироз калта-лик қилаётган эди. Уйимиз ўрнига тушган айни йўл қурилиши муносабати билан биз-

тўлган. Юртбошим ҳақиқа бир умр дуо қиламан, илоё, умрлари узоқ бўлсин...

— Бу ерда мана шундай қисқа муддатда амалга оширилган ишларнинг барини айтганим бўлсам, ёзиб олишга рўканганимнинг сиёҳи етмайди, — дейди **Хуррият Кўчаси, 4-туپиқда яшовчи, онахон Шоира Дўстмуҳаммедова**. — Майли, ҳеч бўлмаса, уларнинг айримларини айта қолай. Олдинлари мана шу ўнқир-чўнқир, тор-жин кўчалардан фарзанду набираларимни мактабга олиб бори-либ, олиб келиш азоб эди. Айниқса, киш пайтлари уйлари-нинг тарновидан эриб оқаётган сувлар бир қийинчилик туғдирса, кўчанинг торлиги ва бунинг устига, унинг сирпанчиқлиги яна бир ноқулайлик яратар эди.

— Ҳозир-чи? Шундоқ уйдан чиқиб, ўттиз қадам юрмасдан катта кўчага етиб оласиз. Замонавий қилиб қурилган бок-хот. Ҳар беш-етти дақиқада автобус, «маршрутка»лар қизиллаб қатнаб турибди. Бу ёғи — мактабгача бир қадам. Илгарилари-чи? Йўл бир томонлама бўлишига қарама-сдан, машиналар икки томон-лиқда ўтиб-қайтар ва ортидан кўтарилган чанг-тўзондан на-лфас олиб бўлмасди. Уларнинг туғинини айтмайсизми, шун-доқ даҳлиздан ўтиб, яшайди-

тиниқ «йўл ҳаракати қоидалари» белгиларини, кўчанинг ҳар икки томонига бир-бирига монанд тарзда жойлаштирилган афиша ва рекламаларни кўриб, кўзимиз қувнади. Бироқ юрганимиздан сўнғ, шун-доқ кўча юзюда суҳбатлашга-ётган одамлар ёнида тўхта-дик.

— Амалга оширилаётган бунёдкорликлар: янги йўллар, кўприклар, уларга мос равиш-да қурилаётган замонавий уй-лар мажмуаси, инфратузилма-объектлари, бир сўз билан



айтганда, жуда ҳам катта ободонлаштириш ишларини кўриб, киши қувонади, кайфи-яти кўтарилди, — дейди **«Гузарбоши» маҳалласи раиси, ЎзХДП фаоли Турсунхўжа Эргашев**. — Янги йўл очилиши муносаба-ти билан Президентимиз таш-риф буюриб, биз билан

ишларнинг бошланишидир. Асосийси, бундай ўзгаришлар тўғрисида одамларимиз, халқимиз турмуши фаровонлашмоқда, ҳаёт тарзи тобора яхшиланиб бормоқ-да.

Обиддин МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида ҳам кўркам турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхона-лари, спорт майдончалари қурилиб фойдаланиш-га топширилмоқда. Яқинда «Ойнакўл» маҳалласи-да қад ростлаган, лойиҳа қиймати 90 миң дол-ларни ташкил қиладиган гишт ишлаб чиқариш за-води «Ривож-Р» хусусий фирмаси томонидан бун-ёд қилинди.

Истиқлол иншоотлари фойдаланишга топширилди 70 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди

Шунингдек, «Лай-лакхона» маҳалласи ҳудудда ташкил этилган тошни қайта ишлаш цехи соатиға 100 тонна тошни қайта ишлаш бериш қувватиға эга.



— Бир пайтлар қақроқ ерда ёки чала ахриқли йўдоқ майдонларда тўп тепиб юрганимизни эсладим, — дейди **Шўрчи туман ҳокими ўринбосари, ЎзХДП аъзо-си Ўткир Абдурахмонов**. — Бу корхоналар учун зарур бўлган, умумий қийма-ти 296 миң долларни таш-кил этган зарур техникалар хориждан келтирилди.

Сайфулло Турдиқулов та-шаббуси билан бунёд этил-ган сунъий қопламали мини футбол майдончаси эса спортсевар ёшлар, айниқ-са, болалар учун катта сов-ға бўлди.

Бахтиёр АЛИҚУЛОВ

Экологик ҳолат жамоатчилик назоратида

Тағбир

«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мусоф-фоликни таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди. Бу қонунда жамоатчилик назоратига алоҳида ўрин берилган.

Жамоат назоратининг энг таъсирчан усулидан бири эса оммавий аҳборот восита-ларидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Ўқимёсанот» ДАК билан ҳамкорликда жур-налистлар иштирокида меди-атурлар ташкил этмоқда. Бу гал улар «Фаргонаазот» ОАЖ-да атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масала-ларнинг ҳал этилиши, шу билан бирга табиати муҳофаза қилишга қаратилган қонун иж-росини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишлар қўлами билан танишдилар.

«Фаргонаазот» корхонаси ми-нерал ўғитлар ва кимё маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш бўйи-ча йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Экологик экспер-тиза тўғрисидаги Низомга му-вофиқ, мазкур корхона хавф-лилик даражаси бўйича 1-то-рфага мансубдир. Корхона иш-лаб чиқариш фаолиятида эко-логик омилларга катта эъти-бор қаратилади.

Атроф-муҳитга зарарли моддалар ташламаларини камайитиришга қаратилган тадбирларнинг тизимли ра-вишда амалга оширилиши,

ди. Саноат ва истеъмол чиқин-диларини алоҳида жойлашти-ришнинг идентификацияси ҳа-дда схемаси мавжуд. Ҳатто ишлатиб бўлинган техник мой-ларни топириш, тўплаш тар-тиби, уларнинг ҳисоби, сақлаш ва транспортировкаси экологик назорат остида амалга ошири-лади.

— Сунги йилларда 6 та цех-да замонавий ускуналар ўрна-тилди, — дейди корхона иш-лаб чиқариш бўлими бошлиғи Адхамжон Азларов. — Натижа шу бўлдики, табиий газдан фойдаланиш 19 фоизга қис-қаргани ҳолда маҳсулот ҳажми бир ярим баробарга ошди. Ўзбекистон ҳукумати қарори билан технологияни тақомил-лаштириш давом этапти. «Кар-бомид ва аминаселитраси ишлаб чиқариши реконструк-ция ва модернизация қилиш» лойиҳасига 62,4 миллион АҚШ долларни ажратилган бўлиб, унинг таркибида «2013-2017 йилларда атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш дастури» ҳам бор. Яъни, ҳар қандай исло-хотлар табиатнинг экологик мусоффолигини таъминлаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилмақда.

Корхона маҳсулотлари илгар-илари қайсибир даражада ин-сон саломатлиғига хавф солар-ди. Эслаб қўрайлик. 80-йил-ларда бутифос дефоланти да-лараларга самолётда сепилар эди. Ушанда жигар хасталиғи кўрсаткичи бўйича собиқ итти-фок ҳудудида Ўзбекистон би-ринчи ўринда эди. Ишлаб чи-қарувчи ва олимлар ҳамкорли-ғида янги дефолант магний хлорид яратилди ва ундағи за-

ҳарлилик даражаси «нол»га ту-ширилди. — Бунинг натижасида нафа-қат одамлар саломатлиғи сақ-лаб қолинди, балки теварак-атроф — гиёҳдан тортиб ҳай-вонот оламигача дефолант қўлланилишидан зарар кўр-майди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-миясининг умумий ва ноорга-ниқ кимё институту директо-ри, профессор Бахтиёр Зоки-ров.

«Фаргонаазот» ОАЖ лабора-тория ва цехларида олиб бо-рилан тадқиқотлар натижаси-да 20 фоиз хомашё чиқинди-ларидан фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Масалан, ҳавога ташланган зарарли чанглар ушлаб қоли-ниб ва қайта ишланиб тик қудқ қазишда ноёб хомашё бўлган полипас реагентига айланти-рилди.

— Бугунгача бу маҳсулот мамлакатимизга асосан им-порт қилинар эди, — дейди техника хавфсизлиги ва эко-логия бўйича корхона бош му-ҳандиси ўринбосари Илхом Абдувоҳидов. — Кимёвий за-водларнинг таркибида каль-ций мавжуд бўлган чиқинди-лардан эса бог ва полизчи-лик учун қимматбаҳо ўғит-ка-лийлик суяқ селитра ишлаб чиқарилапти.

Шундай қилиб «Фаргона-азот» ОАЖ табиат мусоффоли-ғи, экологик мезонларга риоя қилиш бўйича республиканинг илғор тажриба мактабини яра-та олди.

Полвонимиз жаҳон чемпионати совриндори

Эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Тошкентда илк маротаба ўтказилаётган жаҳон чемпионати беллашувларида ҳар бир учрашув мurosасиз ва шиддатли кечмоқда.


Мусобақанинг дастлабки икки кунда эркин кураш бўйича саккиз вазн тоифасида голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Дунёнинг юздан зиёд давлати полвонлари иштирок этаётган жаҳон чемпионатининг мазкур йўналишида ўзбекистон терма жамоаси битта бронза медали билан кифояланди.

Ўз вазн тоифасида Бекзод Абдураҳмонов (70 кг) шохсупанинг учинчи погонасига кўтарилди.

— Жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашдим, — дейди полвонимиз Бекзод Абдураҳмонов. — Мусобақага мураббийим Музаффар Абдураҳмонов қўл остида пухта тай-

ёргарлик кўргандик. Ярим финалда туркиялик моҳир курашчи Якуб Горга биргина хато эвазига ютқазиб қўйганим роса алам қилди. Бу кейинги беллашувлар олтидан мен учун катта сабоқ бўлади. Келаси йилдан бошланадиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган мусобақаларга тайёргарлик кўраман. Тошкентда ўтатган жаҳон чемпионати мен каби ёш полвонлар учун ўзига хос тажриба ва синов мактаби вази фасини бажаргани шубҳасиз.

Эркин кураш бўйича яқунланган мусобақаларда 5 олтин ва 1 бронза медалга сазовор бўлган Россия терма жамоаси



Ушак олган сурат.

62 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди. Эрон (45 очко) ва Туркия (42 очко) вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллади. Беллашувлар якунида жами 14 давлат вакиллари жумладан, республикамиз полвони совриндорлар каторидан жой олди.

— Жаҳон чемпионатида терма жамоамиз деярли тўлиқ янгиланган таркибда майдонга чиқди, — дейди эркин кураш бўйича ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Недорезов. — 2016 йилда Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари са-

ралаш мусобақалари бошланади. Гарчи, курашчиларимиз Тошкент гиламларида ягона бронза медални қўлга киритган бўлса-да, муҳим мусобақалар олтидан ёш спортчиларимиз учун жаҳон чемпионати катта тажриба мактаби вази фасини ўтаб бергани шубҳасиз. Қолаверса, яна бир неча кундан сўнг, Инcheon (Жанубий Корея)да навбатдаги ёзги Осиё ўйинлари бошланади.

Кеча мусобақа дастуридан жой олган аёллар кураши беллашувлари бошланди. Унда тўртта (48, 55, 60, 69 кг.) вазн тоифасида курашчилар медаллар учун май-

донга чиқди. Мазкур беллашувларда Ватанимиз шарафни Даулетбике Яқшимуратова (48 кг), Савара Эшмуродова (55 кг), Саламат Султонова (60 кг) ва Азиза Султомуродова (69 кг) ҳимоя қилдилар.

Бугун қолган яна тўртта вазн тоифасида учрашувлар давом этирилади. Уларда курашчиларимиздан Зухра Мустанова (53 кг), Асем Сейдаметова (58 кг), Холбозор Норбоева (63 кг), Гулмира Исмаилова (75 кг) лар ўз маҳоратини намойиш этади.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида аёллар ўртасида анъанавий «Tashkent open» халқаро турнири қизгин давом этмоқда.

Теннисчиларимизнинг шашти баланд

Йилдан йилга маҳорати ошиб бораётган истеъдодли теннисчимиз Нигина Абдураимова муҳлисларни қувонтирди. У илк учрашувда испаниялик Лаура Аррауабарренини 7/5, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

— Рақибама кучли ракеткачи эди, — деди теннисчимиз. — Йил бошида Австралия очик чемпионати олтидан Хобартада ўтган халқаро турнирда унга ютқазиб қўйганим. Бугун ана шу мағлубият аламини олганимдан хурсандман. Беш йилдан бери «Tashkent open» халқаро турнирида мунтазам қатнашиб келаяман. Мусобақада фақат бош соврин учун курашишни ният қилганман.

Қуръага кўра, нимчорак финалда Нигина Абдураимова Александрани Панова (Россия)га қарши кортга тушди. Қизқарқан кечган учрашувда истеъдодли теннисчимиз навбатдаги галабасини қўлга киритди.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Оқул Омонмуродова эса дастлабки босқичда сербиялик Йо-

вана Яқшичдан устун келди. Бир соату 54 дақиқа давом этган мазкур учрашувда 6/4, 2/6, 6/2 ҳисоблари қайд этилди.

Кеча эса ҳамюртимиз украинлик Людмила Киченко билан баҳс юритиб, зафар қўчди.

Қуръага кўра, ярим финал йўлланмаси учун Нигина Абдураимова ҳамда Оқул Омонмуродова/Катерина Бондаренко (Украина) «дуэти» ола-сингил Людмила ва Надя Киченюкларни доғда қолдириб, мусобақани давом этирадиган бўлди — 7/5, 7/6(5).

Мусобақа голиб ва совриндорлари 13 сентябрь кунни аниқланади.

Самандра БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

Бунёдкорлик

Ургут боғи

фойдаланишга топширилди

Ургут туманининг эски буюм бозори ҳудудида икки йил мобайнида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилиши натижасида янги боғ борпо этилди.

Ушбу истироҳат боғида замонавий лойиҳа асосида миллий услубдаги икки тарваза, 2300 ўринли амфитеатр, мусикали фаввора мавжуд. Бундан ташқари, боғда музқаймоқ ва салқин ичимликлар павильонлари, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш устоналари ва кўргазмалар зали, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсата болади.

Боғ ҳудуди 4 гектардан зиёдрок бўлиб, тўлиқ кўкасалдорлаштирилди. Икки минг тупдан ортиқ манзарали дарахт, бутасимон ўсимликлар экилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг дам олиши, мириқиб хордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилди.

Абдураҳман САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Газетага босилмади, аммо...

«Жиноят иши қўзғатилди»

Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида истиқомат қилувчи фуқаро С.Темировнинг тахририятига ёзган шикоят аризаси Самарқанд вилоят прокуратурасига юборилган эди. Яқинда жавоб хати олдиқ. Унда жумладан шундай дейилган:

«Фуқаро С.Темировнинг фуқаро С.Шарипов ва бошқаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида газетага йўллаган аризаси юзасидан виллоят ИИБ ТБ томонидан текшириш ўтказилган.

Аниқланишича, фуқаро С.Шарипов ва бошқалар фуқаро С.Темировга туман ва шаҳар ҳокимлари билан гаплашиб, ер участкаси олиб беришни, қизини ўқишга киритишни ва кўёвини ички ишлар идораларига ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, жами 34500 АҚШ доллариғи фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Хўлат юзасидан виллоят ИИБ ТБ томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиб, натижасига кўра, Шарипов Самад Муҳаммадлатипович ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Хозирги пайтда жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Виллоят прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Б.Қурбонов».

«Эркатой болажон» маҳсулотлари

мижозларга манзур бўлмақда

Мустақил тараққийтимизнинг дастлабки кунларидано хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва фаоллигини оширишга давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Бухоро шаҳридан Фотима Зиёдуллаева ана шундай фаол ва ташаббускор аёллардан. Уни андан бери юртимизда ортопедик нуқсонли болалар учун оёқ кийим ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг камлиги ўйлантириб келарди. У ана шу мақсадга йўналтирилган бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун банкка мурожаат қилиб, 18 миллион сўм миқдоридан кредит олди ва уста дизайнер Гейнрих Саакян билан ҳамкорликда илк фаолиятини бошлади. Тез орада «Эркатой болажон» номи билан ортопедик нуқсонли болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди.

Айни кунларда болалар ва ўсмирлар учун махсус пойабзалларнинг 23 турини ишлаб чиқараётган ушбу корхона маҳсулотлари бежиримлиги, табиий теридан тайёрланаётгани ҳамда сифати жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Бир-биридан чиройли оёқ кийимларни кўздан кечираркансиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижикидан асло қолишмаслигига ғувҳо бўласиз.

— Бугун чет элдан келтирилган айрим сифатсиз пойабзалларни мунтазам кийиш натижасида аҳоли орасида ясситовонлик ва бошқа турли ортопедик нуқсонлар келиб чиқмоқда, — дейди **корхона раҳбари Фотима Зиёдуллаева**. — Биз ана шундай касалликларнинг олдини олиш ва ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришни мақсад қилганмиз. Буюртмаларни ўз вақтида тайёрлаб берайлик, деб бугун қўлимиз-қўлимизга тегмаётди. Дизайнеримиз иқлимимизга мос, бежирим ва қўлай маҳсулот нусхаларини яратяпти. Шу дизайн асосида яратилаётган маҳсулотлар нафақат бухороликлар, балки юртимиз аҳолисига манзур бўлмақда. Иш суръатини ошириш мақсадида банкдан яна 40 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфладик ва шу кунга қадар олинган қарзни тижорат банкга қайтариб ҳам бўлдиқ. Галдаги режаларимиз «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 580 миллион сўм кредит олиб, корхонага замонавий технологияларга асосланган янги жиҳозлар келтириш ва шунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ҳамда кўшимча равишда иш ўринлари яратишдан иборатдир.

Айни кунларда «Эркатой болажон» корхонасида 17 киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Уларнинг

кўпчилигини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этиши алоҳида эътироф этиш лозим. Корхона яқинда «Маҳалла-муруват» жамғармасидан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун 10 минг жуфт ортопедик оёқ кийим тайёрлашга буюртма олди ва ишчи кучини кўпайтириш мақсадида 10 нафар мутахассисни ёлланма ишга жалб қилди.

— Корхонамиз доим мижозлар билан гавжум, — дейди **ишчи Дилшода Бахтиёрова**. — Фотима опа талабчан раҳбар. Тайёрланаётган ҳар бир маҳсулотни синчиклаб кўздан кечиради, камчиликларни ўз вақтида тузатиш зарурлигини, йўл қўйилган кичкина хато ҳам мижозларнинг бизга ишончи йўқолишига сабаб бўлишини ўқтирадилар. Бу ерда ишлаб болалар учун зарур оёқ кийимлар тайёрлашга ўз хиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Бугун оилавий бизнес, оилавий хунармандчилик сўзларини эшитганимизда ўз тадбиркорлиги билан эл хизматига яраётган, оиласи тинч, рўзғори бут инсон кўз олдимизда гавдаланади. Фотима Зиёдуллаева



ана шундай инсонлардан бири десак янглишмаймиз.

У ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада фаол иштирок этди ва хорижий ташкилот вакилларида миллий маҳсулотларимизга нисбатан қизиқиш ва иштиёқ ўйғота олди. Фотима Зиёдуллаева 2013 йилда «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг республика босқичи голиби бўлди.

— Олдимизда ҳали режалар бисёр — дейди у. — Маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш, болалар кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорларимизни сифатли маҳсулот билан янада тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва албатта, жаҳон бозорида ҳам ўз ўрни-мизни эгаллаш мақсадидамиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология маркази

«Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом»га ва қабул квотасига асосан катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда мустақил изланувчилар сифатида 2015 йилнинг 1-босқичида ўқиш учун танлов эълон қилади.

Талабгорлар марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси.
- Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат (диплом) нусхаси.
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим (магистратура, интернатура, клиник ординатура) ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси.
- Меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Илмий ҳамда илмий-педагогик ҳужжат (диплом) нусхаси.
- Филолият билан шуғулланишга лаёқатлигини тасдиқловчи сертификат.
- Ҳужжатлар жорий йилнинг 1 нояб-ригача қабул қилинади.

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «CAPITAL REALTOR GROUP» СООБЩАЕТ:

13 октября 2014 года в 15.00 по адресу: город Нукус, улица Амира Темура, дом 122, проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Здание магазина, общая площадь 106,42 кв.м, расположенного по адресу: г. Нукус, ул. П. Тлегунова, дом б/н. Начальная цена — 280 295 470 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Олмазор тумани, Дабобоев кўчаси, 85-уй эгаси Комилова Барно Мирсаатовна номига 2012 йил 30 ноябрда берилган уй плани ва кадастр ҳужжати йўқолишига сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000904927571009, МФО 01038, ИНН 207126662 Каракалпакского филиала ООО «Capital Realtor Group» в МУФ ОАКБ «Капитал банк» г. Нукус, Республика Каракалпакстан. Адрес: г. Нукус, улица Амира Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-83-41.

Лицензия RR-0017.

ФУТБОЛ

Ўсмирларимиз галабаси

Айни кунларда Бангкок (Таиланд)да футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда.

Мазкур мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб борапти. Александр Мочинов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «С» гуруҳида иштирок этмоқда.

Еш футболчиларимиз гуруҳнинг дастлабки ўйинида Непал вакиллари билан (1:1) дуранг ўйнаб, кўпчилиги ажаблантирибди. Кучи кеча Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи турда ҚХДР вакилларига қарши майдонга тушиб, 3:2 ҳисобида галаба қозонди. Уйинда Сухроб Нуруллаев «дубль»га эришган бўлса, Абдуғани Фанижонов ўз ҳисобига битта гол ёзиб қўйди. Бу галаба ҳамюртларимизни гуруҳда биринчи ўринга олиб чиқди.

Ўсмирларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни бугун Қувейт футболчиларига қарши ўтказаяди.

(Ўз мухбириимиз)

ОБ-ҲАВО 11-12.09 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти
+11 / +16	+24 / +29
+12 / +17	+27 / +32
+11 / +16	+28 / +33
+13 / +18	+29 / +34
+11 / +16	+26 / +31
+11 / +13	+28 / +30
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+18 / +20
Париж	+18 / +20
Москва	+21 / +21
Мадрид	+21 / +23
Пекин	+24 / +24
Канберра	+12 / +13
Рим	+23 / +24
Афина	+29 / +30
Токио	+24 / +24
Стокгольм	+18 / +16

MUASSIS:

ЎЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAOYEV	Muslihiiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959 11425 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.10 Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5